

**БЎЛАЖАК БОШЛАНҒИЧ СИНФ ЎҚИТУВЧИЛАРИНИ ТЕХНОЛОГИК
ТАЙЁРГАРЛИГИНИ ЛОЙИХАЛАШТИРИШ АСОСЛАРИ****Ҳайдаров Д.Ш***ЖДПИ ўқитувчи*

Аннотация: Педагогик дидактикада технология фанининг таълим мазмунига турли хил тизимли ёндашувлар мавжуд. Хозирги кунда дарс жараёнларида таълим мазмуни деганда турлича тушунчалар қўлланилади. Мазкур мақолада бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларини технологик тайёргарлигини лойиҳалаштиришнинг умумий тушунчалари баён этилган.

Калит сўзлар: технология, билиш, лойиҳалаш, репродуктив фаолият, педагогик фаолият, педагогик фаолият, узвийлик.

Мактаб ўқувчилари меҳнат тайёргарлиги мазмунининг жиддий ўзгаришлари ва меҳнат таълимидан технологик таълимга ўтиш билан бўлғуси ўқитувчиларни технология(меҳнат таълими)ни ўқитишга тайёрлашнинг замонавий ўқув материалларини яратишга эҳтиёжи долзаб мавзулардан эканлиги аниқ бўлди. Технологик(профессионал таълимга) тайёргарлик технологик-педогогик таълимнинг энг асосий жиҳатларидандир. Шу кунгача талабалар яъни бўлғуси ўқувчилар технологик-педагогик тайёргарликларининг ижодий мазмунини аниқлашга шу билан бирга уларнинг назарий ҳамда амалий фаолияти жараёнида амалга оширишга ёндашувлар деярли янгиланмаган ва қайта ишлаб замонавийлаштирилмаган.

Талабаларда технологик-педагогик тайёр бўлишлиқларининг замонавий ривожланаётган таълим парадигмаси узвийлик ва узликсизликни ОТМ ларнинг бакалаврларнинг малака талаблари, давлат таълим стандартларидан келиб чиқадиган талаблар асосида фан мазмунини танлашда нисбатан умумлашган дидактик талабларга асосланиши лозим. Уларни талабалар технологик тайёргарлигининг биз кўрсатган тузилмасига мувофиқ равишда кўриб чиқамиз.

Технологик таълимнинг ижодий мустақилликни ривожлантириш учун шарт-шароитларни таъминловчи мазмунини лойиҳалаштириш – бўлажак мутахассисларнинг умумиллий, умумкасбий ва махсус тайёргарлигини янгилаш ва кучайтиришнинг стратегик йўналиши.

Бошланғич синф ўқитувчисининг касбий-педагогик тайёргарлиги, олий таълим малака талабига мувофиқ, хусусан, қўйидаги вазифаларни ўз ичига олади: битирувчининг ўқувчилар таълим-тарбиясини ўқитиладиган фан хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда амалга оширишга, шахснинг умумий маданиятини шакллантиришга тайёрлиги; турли хил ўқитиш усуллари, услублари ва воситаларидан фойдаланишга; ўқувчиларнинг давлат таълим стандарти талабларига мос келувчи

тайёргарлик даражасини таъминлашга, ўзининг касбий малакасини тизимли равишда оширишга тайёрлиги.

Охирги курс талабалари педагогика – психологияни билишлари шарт. Технология фанини таълим ва тарбиявий ишлар усулларини; янги дастурлар ва фанга тегишли дарсликларини; ўқув хоналарига зарур бўлган асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш ҳамда таъминлашни; ўқитишнинг дидактик имкониятларини ҳамда воситаларини; педагогикада технология фанини ривожланишининг долзарб муаммолари асосида асосий йўналишларни ва истиқболларни; меҳнатни асосланган илмий ва амалий асосда ташкил қилишни; хар бир ташкилотда меҳнат муҳофазасининг қоидалари ҳамда меъёрларини, хавфсизлик техникаси қоидаларини билишлари лозим.

Педагогик дидактикада технология фанининг таълим мазмунига турли хил тизимли ёндашувлар мавжуд. Хозирги кунда дарс жараёнларида таълим мазмуни деганда қуйидагилар тушунилади:

- ❖ педагогик жиҳатдан фанларнинг мослаштирилган асослари;
- ❖ оламга нисбатан ҳиссий-иродавий ва ижодий фаолиятнинг асосида билимлари ва кўникмалари, хаётий тажрибалари;
- ❖ педагогик жиҳатдан инсоннинг мослаштирилган ижтимоий тажрибаси.

Хар бир фаннинг таълим мазмуни фақатгина ўқув фанларига тегишли бўлган билимлар ҳамда кўникмалар рўйхатидангина иборат бўлиши мумкин эмас. Педагогик-ижтимоий тадқиқотлар юқоридагилар билан бирга қуйидагиларни ўз ичига олиши лозим:

1. билим орттириш фаолиятининг натижалари – билимлар шаклида мустаҳкамланган тажрибаси;
2. репродуктив фаолиятнинг уни амалга ошириш усуллари (малакалар ва кўникмалар) шаклида мустаҳкамланган тажрибаси;
3. ижодий фаолиятнинг муаммоли вазиятлар, билим орттириш масалалари ва ҳ.к. шаклида мустаҳкамланган тажрибаси;
4. эмоционал-қадрият муносабатларини амалга ошириш тажрибаси.

Мазмунни танлаш учун асос сифатида мазмунни тузишга нисбатан ёндашувни белгилаб берувчи умумий тамойиллар хизмат қилади:

- ❖ мазмуннинг замонавий илм-фан даражасига мослиги;
- ❖ ушбу мазмун ёрдамида илмий дунёқарашни шакллантириш имконияти;
- ❖ гуманистик маънавий ва эстетик қадриятлар тизимини шакллантириш имконияти;
- ❖ ижодий шахсни шакллантириш;
- ❖ политехникавий тамойилга риоя қилиш;
- ❖ мазмун воситалари билан турли хусусиятларга эга меҳнатга шайликни таъминлаш;
- ❖ жисмонан тўлақонли шахсни шакллантириш.

Ундан ташқари, Х.А.Душабоев қуйидаги хусусий асосларни ажратиб кўрсатди:

- ❖ таълим мазмунига оламнинг замонавий табиий-илмий ва ижтимоий манзарасини белгилаб берувчи барча фанларнинг асослари қўшилади;
- ❖ таълим мазмунига умумтаълимий аҳамиятга эга бўлган, яъни фаолиятнинг ҳамма ёки кўп соҳалари учун аҳамиятга эга бўлган ҳамма нарса қўшилади;
- ❖ назариялар, ишлаш тамойиллари ҳақида ахборотни баён қилишда асосий билимларни ёйишнинг энг мақбул даражада содда ва тежамли мантиғи зарур;
- ❖ фан асосларида назарий билимларни амалда татбиқ қилишнинг асосий соҳаларини очиб бериш зарур;
- ❖ илмий тафаккур ўзлаштирилиши ва ривожлантирилишининг онглилиги таълим мазмунига методологик билимларни киритишни, билиш жараёни ва тарихини очиб беришни, ғоялар ҳаракатини талаб қилади;
- ❖ таълим мазмунида долзарб бўлган ҳамда хали ҳал этилмаган ижтимоий, амалий ҳамда назарий-илмий муаммолар киритилади;
- ❖ фанлараро алоқаларни амалга ошириш зарур.

Шундай қилиб, ўқитувчининг касбий тайёргарлиги мазмунини анча кенгроқ ўрганеди. Бу касбий тайёргарлик мазмуни ўзида қадриятлар ҳамда умуминсоний ғояларни шахснинг гуманистик интилишлари ва хислатлари, билишнинг универсал усуллари ва педагогик фаолиятнинг гуманистик технологиялари мажмуини жамлаб, талаба шахсининг маънавий-билим орттириш ва қадриятларга оид фаоллигига, унинг ижтимоий амалларга қодирлигини кучайтиришга, моҳир педагогнинг яхлит шахсини шакллантиришга йўналтирилган бўлиши лозим. У касб билан боғлиқ билимлар, малакалар ва кўникмалар йиғиндисидангина иборат эмас, чунки ижодий фаолият тажрибаси ва педагогик воқеликка нисбатан сабаб-қадриятга оид муносабат тажрибаси ҳам унинг уйғун таркибий қисмлари саналади.

Педагогик таҳлиллар натижасида қуйидаги лойиҳавий фаолият диссертацияда асос этиб олинди:

Лойиҳавий фаолият ривожлантирувчи таълим услубларидан бири бўлиб, мустақил тадқиқотчилик кўникмасини ҳосил қилишга йўналтирилиб (муаммонинг қўйиш, ахборотларни тўплаш ва уни қайта ишлаш, тажриба-синовлар ўтказиш, олинган натижаларни таҳлил қилиш), ижодий қобилият ва мантиқий фикрлашнинг ривожланишига олиб келади, талабалар таълим олиш жараёнларида олинган билимларини бирлаштирадилар, ҳаётини муҳим муаммоларни моҳиятини тушунишга ёрдам беради.

Лойиҳавий фаолиятдан кузатилаётган мақсадтаълим олувчилар томонидан турли ўқув фанларини ўрганиш даврида мужассамлашган билим, маҳорат ва кўникмаларни тушуниш ва қўллаш олишдан иборат.

Педагогнинг лойиҳалаш фаолиятдан кузатилган мақсад:

- режалаштиришга ўргатиш (педагог мақсадни аниқлай олиши, иш давомида қўйилган мақсадга эришишнинг асосий босқичларини ифода эта олиши);

- ахборот материалларини қайта ишлаш ва сақлаш кўникмаларини ривожлантириш лозим;

- олган билимларини таҳлил қилиш ҳамда таққослай олиш кўникмаси;

- ёзма ҳисобот ёза билиши;

- ишга ижобий педагогик муносабатда бўла олишини шакллантириш.

Умумтаълим мактаби ривожланишининг замонавий тенденцияларини технология фаннинг қайси масалалари мактаб ўқувчиларида қийинчилик туғдиришидан хабардор бўлиш, бу қийинчиликларнинг табиатини тушуниш (мазмун бўйича, психологик ёки услубий хусусиятдаги ва ҳ.к.), уларни енгиб ўтиш усулларини билиш; ўқитиш методикасининг назарий асосларини билиш; дидактиканинг, ёшга оид ва педагогик психологиянинг асосий қоидаларига таянган ҳолда, муайян шароитларда ўқитишнинг энг мақбул шаклини танлашни билиш, зарур дақиқада ишнинг бир усулини бошқа усулга алмаштира олиш қобилияти; педагогиканинг дидактик бўлакларини (қонунлар; тушунчалар, кўникмалар, малакалар) ажрата билиш, уларни шакллантириш методикасига эга бўлиш; ўқувчиларда фанга қизиқиш уйғотиш ва уни ривожлантириш қобилияти; мутахассислик бўйича ўқув-тарбиявий ишларнинг барча шакллари замонавий дидактик, психологик-педагогик ва технологик талаблар даражасида ташкил эта олиш қобилияти; ўқитиш жараёнида мактаб ўқувчиларини тарбиялаш ва ривожлантиришни амалда бажариш ҳамда уларни ижтимоий фойдали меҳнатга ва онгли равишда касб танлашга тайёрлаш маҳорати; кўрғазмалиликнинг энг содда воситаларини ясай олиш қобилияти; ўқитишнинг аудиовизуал воситалари билан ишлаш кўникмаларига ва улардан фойдаланиш методикасига эга бўлиш; мактабда камида иккита факультатив курсни олиб боришга тайёрлик; мутахассислик бўйича синфдан ташқари ва мактабдан ташқари ишларга раҳбарлик қилиш кўникмалари ва б.

Олий таълим мазмуни назарияси ва замонавий ўқитувчи моделини биз бўлажак бошланғич синф ўқитувчилари технологик тайёргарлиги мазмунини шакллантиришнинг ишчи моделини ишлаб чиқариш учун асос қилиб олдик. Чунки, бизнинг фикримизча, айнан мана шу назария олий таълимдаги ҳозирги майлликларга энг кўп даражада жавоб беради. Шунингдек, В.А. Слостенин талабаларда ижодий, эвристик тафаккур шаклланишига кўмаклашадиган психологик-педагогик шарт-шароитларни ҳам ажратиб кўрсатади:

1) талабалар эгалланган тарқоқ холдаги билимларини эмас, балки уларнинг глобаллашган замонга мосамалий ҳамда илмий билимларни ўзида акс эттирадиган, амалий жараёнларни жамлаган билимларни ўзлаштирадиган;

2) ўзлаштирилган тизимлар доимий ҳаракатда, бошқа тизимлар билан боғланишли муносабатда бўлади, билиш вазифаларига ва билимларни қўллаш аниқ

шароитларига мос равишда қайта тузилади. Бунда ўзлари эгаллаган билимларини ҳаёт шароитларига кенг кўчириш ва амалиётдан ўтказиш юз беради;

3) талабалар фақат билимларни эмас, бу билимлардан фойдаланиш ва янгиликларини олиш усулларини ҳам ўзлаштирадилар.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Аҳмадалиев С. Бўлажак меҳнат таълими ўқитувчиларини касбий-педагогик фаолиятга мослаштириш илмий методика сослари. Пед. фан. номз. дисс. -Т., 2008.

2. Дитрих Я. Проектирование и конструирование: Системный подход / Поляк.тил. таржима - М.: Мир, 2001. 92 бет.

3. Сайидахмедов Н. Педагогик амалиётда янги технологияларни қўллаш намуналари. — Тошкент: РТМ, 2000.

4. Уразова М.Б. Бўлажак касбий таълим педагогини лойиҳалаш фаолиятига тайёрлаш технологиясини такомиллаштириш: Пед. фан. докт. ... дисс. – Т.: 2015. – 260 б.

5. Теплова А.Б. Психолого-педагогические условия реализации программы «STEM образования для дошкольников и младших школьников». IX Международной научно-практической конференции «Исследовательская деятельность учащихся в современном образовательном пространстве» Том 1, Москва, 2018. – С. 160-165.